



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Дунё иқтисодиётида инфляциянинг кучайиши: сабаб ва оқибатлар

Норбаева Мухлиса Акрам қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, тадқиқотчи

Ўзишмалар учун электрон почта: mukhlisa122@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Тошпирилган вақти: 19.09.2022

Қабул қилинган вақти: 01.10.2022

Таянч сўз ва иборалар: марказий банк, инфляция, фискал кенгайиш, пул массаси.

Аннотация

Илмий мақолада бугунги долзарб муаммолардан бири, яъни дунё иқтисодиётида инфляция даражасининг кучайиш сабаблари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкинки, агар инфляцияга номонетар омиллар таъсирининг юқори бўлса, инфляцион таргетлашга муваффақиятли ўтишда қатор тўсиқларни вужудга келтиради. Шунингдек, дунё иқтисодиётида, хусусан АҚШ иқтисодиётида инфляциянинг кучайишига асосан бугунги кундаги сиёсий ва харбий зиддиятларни сабаб сифатида келтиришсада аммо АҚШ иқтисодиётида пандемия таъсирини юмшатиш ва иқтисодиётда ялпи талабни тиклаш мақсадида фискал кенгайиш кучайиб келганлиги ҳамда Федерал Захира Тизими томонидан катта миқдорда пул эмиссия қилганлигини ҳам сабаб сифатида келтиришимиз мумкин.

Inflation growth in the world economy: causes and effects

Norbayeva Muxlisa Akram qizi

Tashkent State University of Economics, Researcher

Corresponding author: email: mukhlisa122@mail.ru

ARTICLE INFO

Received: 19.09.2022

Accepted: 01.10.2022

Key words: central bank, inflation, fiscal expansion, money supply.

Abstract

The scientific article analyzes one of today's urgent problems, that is, the reasons for the increase in inflation in the world economy. From the results of the analysis, we can see that if the influence of non-monetary factors on inflation is high, it creates a number of obstacles in the successful transition to inflation targeting. Also, although today's political and military conflicts are mainly cited as the reason for the increase in inflation in the world economy, especially in the US economy, we can also cite the increased fiscal expansion and the large amount of money issued by the Federal Reserve System in order to mitigate the effects of the pandemic in the US economy and restore aggregate demand in the economy.

КИРИШ

Инфляция сўзи латинча бўлиб, луғавий маъноси “бўртиш”, “кўпиш”, мантиқан пулнинг қадрсизланиши ва нарх-навонинг мунтазам равишда ошиб бориши каби маъноларни билдиради. Умуман олганда эса иқтисодий адабиётларда инфляцияга қуйидагича таъриф берилган, яъни инфляция бу пулнинг

қадрсизланиши, товар пул мувозанатининг бузилиши натижасида муомалада ҳўжалик айланмаси эҳтиёжларидан ортиқ даражада қоғоз пуллар миқдорининг кўпайиб кетиши ҳамда пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлишидир.

Инфляция сўзи биринчи марта Шимолий Америкада 1861-1865 йилларда қўлланилган. Ушбу

даврдда нақд пулларнинг кўпайиши юз берган ва у инфляция деб аталган. Иқтисодий адабиётга инфляция тушунчаси XX асрнинг бошида, қоғоз пуллардан тўлов воситаси сифатида кенг қўламда фойдаланиш бошланганда кириб келди.

Инфляция бу моҳиятан муомаладаги қоғоз пуллар массасининг таклиф қилинаётган реал товарлар ҳажмига нисбатан ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши ва пулнинг қадрсизланиши, пировардида товарлар ва хизматлар баҳосининг изчил кўтарилиб бориши, пулнинг харид қуввати пасайиши жараёнларини англатади. У XVIII аср ўрталарида таъминланмаган жуда кўп миқдордаги пулнинг муомалада чиқарилиши туфайли ушбу тизимда рўй берган инқироз сабабли юзага келган.

Ўрни келганда эслатиш жоизки, ривожланган мамлакатлар тажрибаси инфляция баъзан меъёр даражасидаги пул массаси мавжуд бўлганда ҳам юзага чиқиши мумкинлигини кўрсатади. Дунё иқтисодиёти ва сиёсатидаги салбий вазиятлар оқибатида ҳозирги замон инфляцияси товарлар ва хизматлар баҳоларининг мунтазам ўсиши натижасида пулнинг харид қобилияти пасайиши билан бир қаторда, ишлаб чиқаришдаги номуносивбликлар, пул муомаласи, молия ҳамда кредит соҳасидаги салбий ҳолатлар билан ҳам таснифланади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан охириги йилларда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳам иқтисодий ривожланиш соҳасига катта эътибор берилиб муҳим мақсадларни олдига қўйган. Ушбу мақсадлардан бири мамлакатимизнинг иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш асосланган. Ушбу мақсадларга эришиш йўлиди макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш; давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш; ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш; давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш зарурлиги белгаланган¹.

Инфляцияни жиловлаш, унинг макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирини юзага келишига йўл қўймаслик, марказий банк томонидан юқоридаги мақсадларга эришиш йўлида инфляцион таргетлаш режимига

ўтишининг зарурлиги ушбу илмий ишнинг долзарблигини белгилайди.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

XVI асрда яшаган Англиялик банкир Томас Грехэм пулларни таҳлил қилиб, уларни «ёмон» ва «яхши» пулларга бўлади. Муомаладаги яхши пулларни ёмон пуллар сиқиб чиқаришини кўрсатади. Бу ҳолат унинг номи билан аталувчи «Томас Грехэм» қонунида ўз ифодасини топган. Бунинг моҳияти шуки, қадрли «яхши пулларни» ҳамма асрашга ҳаракат қилади. Улар аҳоли томонидан уйида, банк сейфларида бекитилади, улар муомаладан ғойиб бўладилар. Муомалада эса «қадрсиз», ёмон пуллар қолади.

XX асрда «ёмон» пуллар ролини банкнотлар бажардики, муомаладан олтин сиқиб чиқарилди. Ҳозирги пайтда эркин конвертирланадиган қадрли валюталар доллар, евро, иен кабилар «яхши» қадри паст миллий валюта «ёмон» пул ролини ўйнайдилар. Аҳоли, корхона ташкилотлар нима қилиб бўлса ҳам қадрли пул-валюта йиға бошлайди. Ҳамма миллий валютадан қутилиб, қадрли валютани сақлашга ҳаракат қилади.

Агар макроиқтисодий мутаносибликка талабнинг ўсишига қараб нархларга давлат томонидан назорат ўрнатиш орқали эришилса бу яширин инфляция бўлади. Яширин инфляцияда нарх ўсиши кузатилмаслиги мумкин. Пулнинг қадрсизланиши товар тақчиллиги пулга зарур товарни сотиб олиб бўлмаслигида ифодаланади.

Инфляцияга босим кўрсатиш қуйидагича амалга оширилади.

А) вақтинча нархлар ва даромадларни ўсишини тўхтатиш, музлатиш.

Б) маҳсулотларнинг меъёрий нархларини белгилаш.

В) нархлар устидан административ назорат ўрнатиш. Бунинг натижасида бозор механизми деформацияланади. Унинг қай даражада деформациялашуви даражаси ва давомийлиги тартибга солиш шаклига боғлиқ.

Нарх устидан назорат ўрнатиш ўз-ўзича ёмон эмас, унинг салбий томони иқтисодий асосланмаган ҳолда қўлланилиши ҳамда қоидага айланишидир. Бунинг натижасида америкалик иқтисодчи М.Фридмен таъкидлашича нарх тизимининг иқтисодий фаолиятни бошқариш имконияти сусаяди. Бу эса ўз-ўзидан инфляциядан қутилиш учун уринишларни чиппакка чиқаради. Иқтисодиётда стагфляция юз беради. Стагфляция турбунлик, иқтисодий кризис шароитида нархларнинг инфляцион ўсишини билдиради.

Инфляция юз бериш миқёсига кўра: локал — бир мамлакат миқёсидаги, ҳамда жаҳон миқёсида юз берадиган инфляция тарзида ҳам изоҳланади.

Бундан ташқари иқтисодий адабиётларда баланслашган ҳамда баланслашмаган инфляция тушунчалари ҳам мавжуд.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги

Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. www.lex.uz

Баланслашган инфляция деганда бир вақтнинг ўзида кўпгина товар ва хизматлар нархларининг унча кўп бўлмаган миқдорда ўсиши тушунилади. Нархларнинг йиллик ўсиш бўйича, фоиз ставкаси ҳам кўтарилади, буни стабил нархлар билан тенглаштириш мумкин.

Баланслашмаган инфляция эса ҳар хил товарлар нархининг ўсиш суръати турлича бўлишини ифодалайди. Кутилаётган инфляция билан кутилмаган инфляцияни ҳам фарқлаш зарур.

Кутилаётган инфляция олдиндан айтиш мумкин ёки уни ҳукумат томонидан режалаштирилади. Кутилмаган инфляция тўсатдан нархларнинг кўтарилиб кетиши билан характерланади. У пул муомаласи ва солиқ тизимига ёмон таъсир қилади. Бундан аҳоли иложи борица пулидан тезроқ қутилишга ҳаракат қилади. Бу ҳаракат оқибати қандай бўлишини биламиз.

Тўсатдан бўлган инфляция иқтисодиётда кутилаётган, лекин ҳали бошланмаган инфляция жараёнида юз берса, аҳолининг ўзини тутиши тамомила бошқача бўлиши мумкин. Нархларнинг ўсиши қисқа фурсатда юз берадиган ҳолат деб истеъмолчилар нархларни пасайишини пойлаб, кам пул сарфлайдилар. Бу ўз навбатида талабни пасайтиради ва натижада нархларни пасайиши кузатилади.

Бу ҳодиса Пигу эффекти деб юритилади. Инглиз иқтисодчиси Артур Пигу (1877—1959) номи билан аталади. Бу ҳолат нормал амал қилаётган бозор иқтисодиётига хос. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Пигу эффекти мослашувчан нарх, процент ставкаси ва кутилаётган инфляцион ўзгаришлар бўлмаган шароитга хос. қатор ғарб иқтисодчилари Пигу эффекти иқтисодиётдаги реал воқеликка хос эмас, назарий жиҳатдан изоҳланади холос деб кўрсатишади.

Иқтисодий адабиётда инфляция ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорлик масаласида кескин мунозарали фикрлар, хулосалар мавжуд. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар, шу жумладан, Г.Хесс ва Ч.Моррисларнинг (1996) фикрига кўра, баҳоларнинг сезиларсиз даражадаги ўсиши ҳам иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг фикрига кўра, баҳоларнинг унчалик сезиларли даражада бўлмаган ўсиши ҳам инфляция динамикасидаги ноаниқликни кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредитлари фоиз ставкасининг ўсишига олиб келади. Чунки кредитларнинг фоиз ставкаси ўзида нафақат кутилаётган инфляцияни, балки риск учун қўшимча устамани ҳам акс эттиради. Натижада, мамлакатдаги иқтисодий фаолликка ва аҳолининг турмуш даражасига нисбатан кучли салбий таъсир юзага келади.

Иккинчи гуруҳ иқтисодчи олимлар эса, М.А.Пивоварова, А.Кудрин ва бошқалар (2006) инфляциянинг маълум даражаси шароитида иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Мисол учун, М.Пивоварованинг фикрига кўра, инфляциянинг унча юқори бўлмаган даражаси иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, бундай шароитда антиинфляцион сиёсатни амалга ошириш ишсизликнинг ўсишига, иқтисодиётнинг

пасайишига олиб келади. Бундай шароитда, одатда, пуллар таклифи устидан қаттиқ назорат ўрнатилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчилар Н.Жумаев ва А.Абсаламовлар (2020) фикрича макроиқтисодий барқарорлик бу иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ҳамда аҳоли фаравонлиги ошишининг кафолатидир. Мамлакатда инфляция даражасини пасайтириш Марказий банкларнинг бош мақсадига айланиши лозим. Инфляциянинг юқори даражада намоён бўлиши иқтисодий ўсишнинг секинлашига ва аҳоли даромадларининг реал қийматининг тушиб кетишига олиб келади деган фикрда. Дарҳақиқат ривожланган давлатларда марказий банклар бош мақсади инфляцияни жиловлаш ҳисобланади. Аммо ривожланаётган давлатларда ички иқтисодиётда инфляцияни жиловлаш билан бирга ташқи иқтисодиётда алмашинув курси барқарорлигини ҳам таъминлаб туриши лозим. айнан шу икки мақсадни бажариш йўлида марказий банклар қийинчиликларга учрайди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, ривожланган давлатларда инфляцион спиралнинг кучайиб кетишини таҳлил қилишда ФРТ ҳамда расмий интернет сайтлар статистик маълумотларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Инқироздан сўнг 2010 йилдан бошлаб ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш даражаси бироз олдинга силжиган бўлсада, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида мазкур кўрсаткич йил сайин пасайиб бориш тенденциясига эга.

Ушбу ҳолатни турлича изоҳлаш мумкин, лекин фикримизча бунга 2010-2013 йилларда айрим ривожланаётган мамлакатлар миллий валютасининг беқарорлиги ва девальвация, ривожланган мамлакатларда эса қарз инқирозининг ўсиб бориши сабаб бўлган.

Молия бозорларидаги беқарорлик, албатта, умумий иқтисодий ҳолатнинг беқарорлигига сабаб бўлади. Ушбу иккала ҳолат ўзаро боғлиқ бўлиб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига бир хилда таъсир кўрсатади.

Жаҳон иқтисодиётидаги беқарорликнинг кейинги сабаби, бу COVID-19 пандемияси таъсирида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетиши десак муболаға бўлмас. Пандемия натижасида дунё иқтисодиётида логистика занжирини бузиб юборди. Бугунги кундаги дунё иқтисодиёти ва сиёсатидаги ноаниқликлар ҳамда давлатлар ўртасида иқтисодий санкциялар уруши ушбу ҳолатни янада ёмонлаштирди.

Албатта, амалга оширилган мазкур чора-тадбирларнинг самараси айрим геосиёсий омилларни истисно қилганда янада юқори бўлиши мумкин эди.

Россия Федерациясига нисбатан қулланган санкциялар ва Россиянинг жавобий санкциялари Италия, Испания, Греция ва бошқа бир қатор Европа мамлакатларида қишлоқ хўжалигининг ривожланишига жиддий таъсир қилмоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан фермерлар учун ажратилган субсидиялар эвазига давлат қарзининг янада кўпайиши кузатилди. Ваҳоланки, мазкур маблағлар иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилиши, саноат соҳасини ривожлантириш орқали ЯИМнинг янада ўсиши ва аҳолини иш билан таъминланишини оширишга хизмат қилиши мумкин эди.

АҚШ Федерал Захира Тизими фаолиятининг асосий йўналишларидан бири мамлакат нарх барқарорлигини тартибга солишга йўналтирилган миллий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади. Бироқ, бу вазифани Европа Марказий банки сиёсати билан солиштирганда ФЗТ олиб борадиган сиёсат устувор ҳисобланади. Умуман олганда, ФЗТ нинг пул-кредит сиёсати молия бозори фаолияти шартларига таъсир ўтказиш учун мўлжалланган. Бундай таъсир мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, бандлик даражаси ва нархлар барқарорлиги учун шароит яратади. Пул-кредит сиёсатининг аниқ мақсадлари ФЗТ тўғрисидаги қонунда ўз аксини топган. Унга кўра ФЗТ ва унинг асосий бошқарув органларидан бири бўлган очик бозордаги операциялар бўйича масъул Федерал Комиссиянинг асосий мақсади - бу бандлик даражаси, нархлар барқарорлиги, ўрта ва узок муддатли фоиз ставкаларини барқарор ушлаб туриш мақсадларига эришишни самарали таъминлаш ҳисобланади. Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсадларига эришиш учун ФЗТ мамлакатдаги молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича бошқа ўзаро боғлиқ 3 та йўналишда фаолият олиб боради. Булар қуйидагилар:

1) банк институтлари фаолиятини назорат қилиш

ва тартибга солишни амалга оширади;

2) молия тизими барқарорлигини таъминлайди, тузилмавий рискларнинг олдини олади ва минималлаштиради;

3) АҚШ ҳукуматига, аҳолига ва умуммиллий тўлов тизимларининг барқарор ишлашида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик молия институтларига бир қатор молиявий хизматлар кўрсатади.

ФЗТ пул-кредит сиёсатининг инфляцияни барқарорлаштиришга йўналтирилганлиги тўғрисидаги масала Америка иқтисодчиларининг диққат марказида туради. Уларнинг фикрига кўра, нархлар барқарорлиги иқтисодий ўсиш суръатларини, аҳоли бандлиги ва ўртача фоиз ставкаларини бир маромда ушлаб туриш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитда инфляцион ўсишга боғлиқ бўлмаган товар, моддий бойликлар ва хизматлар нархлари бозор иқтисодиёти иштирокчилари учун ресурсларни самарали жойлаштириш мақсадида аниқ кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари нархлар барқарорлиги аҳоли жамғармаларининг ўсишига ва қулай инвестицион муҳитнинг шаклланишига имконият яратиб беради. Ўз навбатида ҳукумат аъзолари ўз ёндашувини асослаш мақсадида доимо пул-кредит сиёсатининг у ёки бу мақсадига эришишнинг узок ва қисқа муддатли натижаларини ҳисобга олиш заруриятини алоҳида таъкидлайдилар. Масалан, узок муддатли истиқболда нархлар барқарорлиги прогноз қилинаётган иқтисодий ўсиш ва бандликка эришиш бўйича ҳаракатларга кўмаклашади. Бироқ қисқа муддатли режада эса бир томондан инфляция суръатларини пасайтириш бўйича мақсадлар, иккинчи томондан иқтисодий ўсиш ва бандликни максималлаштириш мақсадлари ўртасида келишмовчиликлар ва тафовут келиб чиқиши мумкин.



1-расм. АҚШда инфляция динамикаси²

Мамлакат иқтисодиёти таклиф билан боғлиқ бўлган деструктив шаклларга дуч келиши мумкин.


Масалан, ҳосил камлиги ёки ҳозирда кузатилаётган энергия ташувчилар нархларининг ошиши

² www.tradingeconomics.com

инфляцияга босим кўрсатиши мумкин ва аксинча ҳолатда эса, ишлаб чиқариш ҳажмлари бандлик даражасини тушириши мумкин. Бу билан боғлиқ ҳолда ҳукумат аъзолари ишлаб чиқариш ва бандликни оширишга кўмаклашиш мақсадида нархларга монетар ва номонетар босимни пасайтиришга ёки бозор ликвидлиги даражасини оширишга ҳаракат қиладилар.

Ривожланган давлатлар иқтисодиётидаги энг салбий ҳолат сифатида инфляцион спиралнинг кучайиб кетаётганлиги ва бунга ёқилғи ва бирламчи озиқ-овқат нархларининг ошиб кетиши сабаб бўлаётганлигини келтиришимиз мумкин. Хусусан,


дунёнинг энг ривожланган давлати АҚШ иқтисодиётига назар ташласак, 2020 йилда инфляция даражаси 2 фоиздан ошмаган бўлса, 2022 йил июнь-июль ойларида мос равишда 9,1 ва 8,5 фоиз бўлган. АҚШда инфляциянинг кучайишига асосан Россия ва Украина ўртасидаги можорасини сабаб сифатида келтиришда аммо АҚШ иқтисодиётида пандемия таъсирини юмшатиш ва иқтисодиётда ялпи талабни тиклаш мақсадида фискал кенгайиш кучайиб келганлиги ҳамда Федерал Захира Тизими томонидан катта миқдорда пул эмиссия қилганлигини ҳам сабаб сифатида келтиришимиз мумкин.



2-расм. АҚШда бюджетининг фискал кенгайиши³

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2020-2021 йилларда COVID-19 пандемиясининг таъсирини юмшатиш ва ялпи талабдаги пасайишнинг олдини олиш мақсадида АҚШ бюджети катта харажатларни амалга оширди. Хусусан, 2020 ва 2021 йилларда фискал кенгайиш 1 трлн. доллардан ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат албатта

юқорида келтирган гипотезамизнинг исботини бермоқда. Тўғри охириги 2022 йилда АҚШ ҳукумати инфляцияга босимни юмшатиш мақсадида қисқал кенгайишдан воз кечмоқда. Жумладан, олдинги йилларга қараганда фискал кенгайиш уч барабарга камайган.



3-расм. АҚШда ишсизлик даражаси⁴

Бугунги кунда кўплаб иқтисодчилар ва сиёсатчилар томонидан АҚШ иқтисодиёти рецессия


ҳолатига тушганлигини таъкидлашмоқда. Аммо АҚШ ҳукумати иқтисодиётнинг рецессия ҳолатида

³ www.tradingeconomics.com | U.S. BUREAU OF ECONOMIC ANALYSIS

⁴ www.tradingeconomics.com | U.S. BUREAU OF ECONOMIC ANALYSIS

эмаслигига айнан ишсизлик даражасининг пасайиб бораётганлигини рўқач қилиб кўрсатишмоқда. Хусусан, 2020 йил ўрталарига келиб COVID-19 пандемияси таъсирида АҚШда охириги 40 йилда кузатилмаган ишсизлик даражаси кузатилди ва бу 15 фоиздан ошди. Аммо кейинги вақтларда ишсизлик даражаси пасайиб бормоқда. Жумладан 2021 йилда

АҚШда ишсизлик даражаси 3,9 фоизга тушган бўлса, 2022 йилнинг июль ойдаги ҳолатида бу кўрсаткич 3,5 фоизга тушган. Фикримизча АҚШда ишсизлик даражасининг пасайиши олдинги йилларда амалга оширилган фискал кенгайиш таъсирида бўлмоқда. Аммо 2022 йилдан фискал кенгайишдан воз кечиш кейинги йилларда ўз таъсирини кўрсатади.




4-расм. АҚШда ЯИМнинг йиллик ўсиш динамикаси⁵

АҚШ иқтисодиёти бутун дунё иқтисодиётининг локомативидир. АҚШ иқтисодиётидаги ўсиш ёки пасайиш албатта бошқа давлатлар иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатади. АҚШ иқтисодиёти йилдан кейинги даврда ўзини ҳали тиклаб улгурмаган эди. Хусусан, 2014-2019 йилларда АҚШ иқтисодиётидаги ўсиш 2-3 фоиз атрофида бўлган. Аммо 2020 йилдаги пандемия таъсирида АҚШ иқтисодиёти кескин пасайиб кетган. Хусусан, 2020 йил январь-апрел ойларида АҚШ ЯИМ хатто манфий ўсишни берган.

Юқоридаги фаразимизда АҚШ иқтисодиёти

борасида иқтисодчи олимлар рецессия сўзини ишлатишни бошлаган эди. бунга сабаб сифатида АҚШ иқтисодиётида кетма-кет икки кварталда пасайишни келтирмоқда. Дарҳақиқат, АҚШ иқтисодиёти 2022 йилда сиёсий ва иқтисодий ноаниқликлар натижасида доимий пасайиш кузатилмоқда. Хусусан, 2021 йил тўртинчи кварталда АҚШ иқтисодиётидаги ўсиш 5,5 фоизни берган бўлса, 2022 йил биринчи кварталда 3,5 фоизни ва иккинчи кварталда 1,6 фоизни бермоқда. Бу билан айтишимиз мумкинки, АҚШ иқтисодиёти кетма-кет икки кварталда пасайиб бормоқда.



5-расм. АҚШда банклараро пул бозоридаги фоиз ставка⁶

Ривожланган давлатлар иқтисодиётида асосий фоиз ставка банклардараро пул бозорида

⁵ www.tradingeconomics.com

⁶ www.tradingeconomics.com

белгиланади. Бу ҳолат албатта АҚШ иқтисодиётига ҳам ўринлидир. Шундай экан АҚШ иқтисодиётида кредит, депозит, давлат қарз мажбуриятлари, корпоратив қимматли қоғозлар ва бошқа активлар фоизи айнан банклараро пул бозоридаги фоиз ставкага мослашади. АҚШ 2008 йилда бошланган ипотека инқирозига қарши равишда ноанъанавий пул-кредит сиёсатини юритди. Буни иқтисодий тил билан айтганда миқдорий енгиллик (quantitative easing) сиёсатидир. Бу иқтисодий сиёсат натижасида иқтисодиётга мисли кўрилмаган пул массаси киритилди. Албатта бу кейинчалик инфляцияга ҳам босим ўтказиши аниқ эди. Натижада 2014 йилнинг

охиридан ушбу сиёсатдан воз кечди ва бу эса АҚШ иқтисодиётининг ўсишини секинлаштирди ва пул бозоридаги фоиз ставканинг ошишига сабаб бўлди. Статистик маълумотларга назар ташласак, 2019 йилда АҚШда банклараро пул бозоридаги фоиз ставка 2,5 фоиз атрофида бўлган.

2020 йилда ялпи талабнинг пасайиши натижасида пулга бўлган талаб ҳам пасайди ва пул бозоридаги фоиз ставка 0,2 фоизгача тушган. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида иқтисодиётга катта миқдорда пул массаси киритилганлигини ҳам келтиришимиз мумкин.



6-расм. АҚШ Федерал Захира Тизимининг асосий фоиз ставкаси⁷

АҚШда банклараро пул бозоридаги фоиз ставка ўзгаришига мос равишда АҚШ ФЗТ ҳам ўз фоизини мослаштиради. Статистик маълумотларга назар ташласак, АҚШда ФЗТ фоиз ставкаси ҳам 2020 йилгача 1,75 фоиздан ошмаган. Аммо 2020 йилдан пандемия таъсирида АҚШ ФЗТ асосий фоиз ставкани пасайтиришга мажбур бўлди ва бу орқали аҳоли ва тадбиркорларнинг ялпи талабини оширишни мўлжаллади. Хусусан, 2020 йилдан 2022 йилнинг март ойигача ФЗТ асосий фоиз ставкаси 0,2 фоиз бўлган. Охирги ойлардаги инфляция даражасининг ошишига қарши ўлароқ ФЗТ асосий фоиз ставкасини доимий ошириб бормоқда. Жумладан, 2022 йил июль ойига келиб, ФЗТ асосий фоиз ставкаси 2,5 фоизгача кўтарилди.

Умуман олганда жаҳон иқтисодиётининг бугунги ҳолатини барқарор- ривожланиб бормоқда, дея таъкидлаш қийин масала. Бундай хулосага келишимизга бир неча омиллар сабаб бўлмоқда. Авваламбор ЯИМнинг ўсиш суръатларининг деярли барча мамлакатларда пасайиб бориши кузатилмоқда, ҳаттоки Хитойда ҳам бир неча йиллардан буён ўсиб келаётган ушбу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга. Гарчи ҳозирда дунё иқтисодиётида энерго ва ёқилғи маҳсулотлари нархларининг ошиши катта муоммоларга олиб келаётган бўлсада, аммо келачакда ЯИМ ўсиш суръатларини пасайиши ўз навбатида

энерго ресурсларга бўлган талабни камайтиради, уларнинг нархини тушишига олиб келади. Ўз навбатида, ушбу жараён яна айланиб ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, бюджет камомоди ва ЯИМнинг ўсишига салбий таъсирини кўрсатади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Илмий тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

пул-кредит сиёсатининг замонавий моделлари ҳам кейнсчиларнинг, ҳам монетарларнинг ғояларига асосланиши лозим. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини олиб боришда ягона бир инструменттан фойдаланиш ёки ягона назария орқали иқтисодиётга тадбиқ этиш мумкин емас. Шунингдек, қайд этиб ўтилган назариялар маълум бир давлат иқтисодиёти учун ишлаб чиқилмаган ва мамлакат ривожлангани сари пул-кредит сиёсати олиб бориш усуллари ҳамда инструментлари ҳам ўзгариб бориши мумкин;

хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар инфляцияни таргетлаш амалиётида нархлар барқарорлигига катта эътибор берилишини кузатишимиз мумкин. Бунинг учун эса давлатда марказий банк мустақиллиги тўла тaminланган

⁷ www.tradingeconomics.com | U.S. BUREAU OF ECONOMIC ANALYSIS

бўлиши зарур ҳисобланади;

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики марказий банк инфляцияни таргетлашда ўз инструментларидан фойдаланишни кенг жорий қилиши зарур ва шу билан биргаликда фоиз ставкаларини бевосита бошқариш учун, яъни очиқ бозор сиёсатини олиб боришига бозор конъюктураси, хусусан қимматли қоғозлар бозори яхши ривожланган бўлиши зарур;

Иқтисодиётдаги инфляциянинг узоқ муддат юқори даражада сақланиши реал ишлаб чиқаришни буғуб қўяди. Бу миллий даромаднинг тушиб кетишига провардида аҳоли фаровонлигига салбий таъсир кўрсатади;

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, инфляция узоқ муддатли феномен ҳисобланади. Пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришлар инфляцион жараёнга қисқа муддатла таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, инфляция даражасининг ошишига сабабларни қисқа муддатда эмас балки узоқ муддатдаги монетар ва фискал сиёсатдаги ўзгаришлардан қидириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Andreas Nastansky & Hans Gerhard Strohe (2010). The impact of changes in asset prices on economic activity: a cointegration analysis for German. Statistis chediskussions beitrge, 38.
2. Arratibel O., Michaelis H. (2014). The impact of monetary policy and exchange rates in Poland: Evidence from time-varying VAR. ECB Working Paper No. 1636. Frankfurt, European Central Bank.
3. Das, M., & Sarkar, N. (2020). Revisiting the Anomalous Relationship between Inflation and Real Estate Investment Trust Returns in Presence of Structural Breaks: Empirical Evidence from the USA and the UK. International Journal of Economics and Financial Issues, 10(1), 250. Hess G., Morris C. The Long-Ruh Costs of Moderate Inflation // Federal Reserve Bank of Kansas City Economic Review. 1996. Second Quarter. – P. 71-88.
4. Kara, A., & Nelson, E. (2003). The exchange rate and inflation in the UK. Scottish Journal of Political Economy, 50(5), 585-608.
5. Nyoni, T. (2019). Understanding inflation dynamics in the United States of America (USA): A univariate approach.
6. Yadav, D. K., & Jameel, S. (2020). Pattern of GDP growth rate, inflation, interest rate in post reform period: A comparative analysis of India China and USA. Inflation, Interest Rate in Post Reform Period: A Comparative Analysis of India China and USA (July 5, 2020).
7. Жумаев Н., Абсаламов А. Инфляцион таргетлаш режимини қўллаш макроиқтисодий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг зарурий шарти // review.uz – CERR иқтисодий таҳлил журнали – Тошкент, 2020 йил, январь
8. Пивоварова М.А. Международная научно-практическая конференция: “Инфляция и экономический рост: теория и практика” // Деньги и кредит. – Москва, 2006. - №7. – С. 60.